

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ХУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

FALSAFA va HAQUQ
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-хуқуқий журнал
2022/3 (№23)

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манбаотларини таъминлашини устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён. Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва баҳти ҳаёт кечириши, унинг соглиги жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратишни учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасиги яратиб бершига ҳаракат қилияпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Таҳир хайъати:

М.Н.Абдуллаева -
ф.ф.д., профессор
Б.Т.Тўйчиев -
ф.ф.д., профессор
Ж.С.Раматов -
ф.ф.д., профессор
Г.Т.Махмудова -
ф.ф.д., профессор
В.Р.Топилдиев -
ю.ф.д., профессор
К.Н.Иззаров -
ф.ф.д., профессор
Р.Ж.Рўзиев -
ю.ф.д., профессор
Ў.М.Абилов -
ф.ф.д., профессор
А.Ў.Ўтамуродов -
ф.ф.н., профессор
Ў.Ғ.Тилавов -
ф.ф.д., DSc

Бош мухаррир:
А.Г.Муминов -
с.ф.д., профессор

Бош мухаррир
ўринбосари:
Х.В.Сокиев
фалсафа доктори, PhD

М у а с с и: Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети

Таҳирият манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўч., 4.
www.phljournal.nuu.uz
E-mail: falsafavahquq-jurnal@nuu.uz

ISSN 2181-7294

Босишига 26.12.2022 да берилди
Бичими 60x84 Offset көғози.
“ZUXRA BARAKA BIZNES” МСНУ босмахонасида босилди,
“Times New Roman” гарнитураси. Хажми 25.5 б.т.
Нашриёт хисоб табоги 25.5 б.т.
Адади 60 пусха. Буюртма № 31

Журнатни нашрга тайёрловчилар
К.Иззаров, А.Муминов, Х.Сокиев

асослари		
Эшбеков Б.	<i>Фалсафий таффаккур ривожида оммавий ахборот воситаларининг ўзиға хос ҳусусиятлари</i>	125
Shukurov A.Sh.	<i>Artur Krokerning jamiyat hayoti virtuallashuviga oid texnosentrik modelning ijtimoiy-ontologik tahlili</i>	129
Курбанов Э.Э.	<i>Давлат институти ва демократия ўртасидаги ўзаро алоқатикнинг замонавий институционал асослари</i>	132
Зайтов Э.Х.	<i>Ошланинг ижтимоий параметрлари</i>	138
Тешаев Д.М.		\
Маматов М.	<i>Маънавиятнинг ижтимоий оминаларини оптималлаштириши – давр талаби</i>	141
Қыдырбаяев Қ.	<i>Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улугзаш гоясинганг фалсафий-ҳуқуқий асослари</i>	144
Хакимова М.А.	<i>Янгиланаётган Ўзбекистон ва ёшлар маънавиятини тақомиллаштириши масалалари</i>	147
Мамадаминова Б.А.	<i>Хоразмда хўжалик қўрилиши ва аграр созидағи ўзгаришлар (1920-1924)</i>	151
Мамадаминова Б.	й.	
Рахмонбердиева Н.	<i>Массовая культура и информационно-психологическая безопасность в современном процессе</i>	154
Куйлиев Т.		
Химматов И.И.	<i>Жиноят ҳақиқати ариза ва хабарларни ҳал этиш тартибида инсон ҳуқуқларини ҳимоя ҳусусиятлари</i>	158
Аллаярова З.Б.	<i>Янги Ўзбекистонда ёилар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий асрларининг роли.</i>	161
Absobirov S.	<i>Raqamli jamiyat tushunchasi va uning o'ziga xos xususiyatlari</i>	165
Mardonova F.	<i>Abdurahmon Jomiyuning ijtomiy-falsafiy qarashlari</i>	169
Нишонова Н.Р.	<i>Аёлнинг жасамиятдаги ўрни ва мавқеи</i>	173
Алимухамедова Н.Я.	<i>Миллалот мураккаб ижтимоий тизим сифатида</i>	176
Жўраева Ш	<i>Марказий Осиё Европа Иттифоқи экосиёсатининг таркибий қисми сифатида</i>	181
Исламходжаева М.А.	<i>Меры профилактики и предупреждения преступности против молодёжи</i>	185
Ходжаев С.Дж.	<i>Кексалар ижтимоий гурӯҳи социогеронтология обьекти сифатида</i>	188
Ахмедов Ж.И.	<i>Ижро ҳокимияти легитимлигини таъминлашнинг сиёсий технологиялари</i>	192
Ҳасанов Ш. Ш.	<i>Особенности современного состояния конфликтологии</i>	197
Сокинев Х.В.	<i>Шахс идентиклигини ўрганишининг замонавий тенденциялари</i>	201

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ГОЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ХУҚУКИЙ
АСОСЛАРИ**

Клырбаев К. -
ТИҚҲММИ МТУ тасвич доктораноти

Барчамизга аёнки, конун давлатнинг жаҳони ҳуқуқини ўзини, унинг тартиб коидаларининг асоси хисобланади. Шу сабабдан ҳам давлатдаги ҳар қандай баркарорликнинг мустахкамланиши, аввало узубу давлатда конун устуворлигининг таъминланиши ва адолатли конуннинг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ.

Конун устуворлиги ва адолатли қонуннинг яратилиши деганда шу жамиятда, давлатда яшаётган инсонларнинг мағфатларининг ҳимоя килиниши, инсон қадрининг улугланиши тушинилади. Зоро, бундай давлат ҳуқукий давлатнинг намунасиdir.

Демак ҳуқукий давлатда инсон қадри улугданар экан, унинг мағфатлари таъминланар экан, ҳуқукининг ўзини ҳам муайян даражада қадрият сифатида, қадриятлар тизимишинг муҳим бир соҳаси сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Айни пайтда мамлакатимизда инсон қадрининг, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя килиниши, бир сўз билан айтганда инсон мағфатларининг таъминланиши юзасидан амалга оширилаётган катор ислоҳотлар ҳам ҳозирги Ўзбекистонда янгина ҳуқукий давлатнинг, янгина ҳуқукий қадриятларни шакланаётганинигидан далолат беради.

Бутунги кунда Ўзбекистонда ҳуқукий давлатни ва янги ҳуқукий тизимни яратиш жарабни ўзига хос ўлдан бормоқла. Бунда, бирю томондан, ҳалқимизнинг қадимий бой маънавий-мадданий ҳамда тарихий-ҳуқукий меросига, миллий қадриятларимизга таянаётган бўлсак, иккинчи томондан, умуминсоний қадриятларга, ҳалқаро-ҳуқукий тажрибага асосланиб иш кўришмоқда.

Бу эса мамлакатимизда вужудга келаётган ҳуқукий давлатда ҳалқимизнинг ўзига хос ҳусусиятлари намоён бўлиб, ҳозирги Ўзбекистонда шакланаётган қадриятлар тизими билан амалда янгиланаётган ҳуқукий нормаларининг ўзаро ҳамоҳанглигидан далолат беради.

Ҳалқаро-ҳуқукий тажриба шуни кўрсатади, ҳуқукий давлатнинг асосий инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ва унинг маънавий бир ҳуқукий нормаларда асосланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқукларини ҳимоя килиш бўйича ҳалқаро маъжбуриятларнинг бажарилшини таъминлаш, шунингдек, ҳалқаро норма ва стандартларни натижали амалга ошириш борасида катор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 10 декабрь куни кабул килинган “Инсон ҳуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаoliyatini takomillashirish тўғрисидаги” карори ҳам фикримизни тасдиқлади.

Барчамизга аёнки, инсон ҳуқукларини ҳимоя килувчи ҳалқаро-ҳуқукий меъёрлар мавжуд бўлиб, ана шу меъёрларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя килувчи умумий конуи-коидалар ишлаб чиқилган. Ушбу умумэтироф этилган конунлар билан ҳуқукий тизимизда яратилган конунларнинг ўзаро мос келиши эса алоҳидат диккатга сазовор томонлардан бириди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда “Инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларацияси” кабул килинган.

Ушбу декларациянинг 2-моддасида “ҳар бир инсон ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошка эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табакаси ёки бошка ҳолатидан иктиносий ва ижтимоий ҳуқуклари, инсон ҳуқуклари ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб берилган. Катни назар ушбу Декларацияда эълон килинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур” – деб кўрсатилган бўлса, 3-моддасида “ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқукларига эгаидир” – деб таъкидланган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуклари, эркинликлари ва бурчлари, шу жумладан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуклари, иктиносий ва ижтимоий ҳуқуклари, инсон ҳуқуклари ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб берилган.

Хусусан, Асосий Комиссиянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан катни назар, конун олдидаги тенгдирлар”, 24-моддасида эса “яшаш ҳуқуки ҳар бир инсоннинг ўзвий ҳуқуқидир. Инсон ҳайтига суннад килиш энг оғир жиноятдир” – деб белгиланган.

Бутунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуклари ва эркинликларини ҳимоя килиш масаласига катта

Эътибор каратилмоқда, унинг асосий йўналишлари ва тамойиллари шаклланмоқда.

Инсон хукуклари соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини куйидагича тавсифлашимиз мумкин:

Биринчидан, умумъетироф этилган тояларга ва ҳалжаро мажбуриятларга таянган ҳолда инсон хукукларини таъминлаш;

Иккинчидан, инсон манбаатларининг жамият ва давлат манбаатларидан устун кўйиш;

Учинчидан, инсон манбаатлари учун хизмат қиузвий демократик хуқукий давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

Тўртинчидан, боскичма-боскич ривожланниш тамойилига таянган ҳолда, тараккюёт йўлимизни катъият билан давом этириш;

Бешинчидан, жамиятда, давлатда вужудга келган ҳар кандай муаммоларни адолатлилик, очиклик ва шаффоғлиқ тамойилига амал қылган ҳолда, ҳалк билан мулокатда мухокама қилиш ва ҳал этиш.

Бугунги кунда ана шу тамойилларининг факат назарий жиҳатдан эмас, балки амалиётда ҳам татбик этилини хозирги Ўзбекистонда янги қадриятларининг шакллананинг мухим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимиздаги қабул килингётган конуулар, Президент карорлари, фармон ва фармойишлари хозирги Ўзбекистонда қадриятлар тизими шакллананинг хуқукий асоси бўлиб хизмат килади ва буларнинг замонида ҳалқимизнинг тинчлиги ва осойишталитини, эркинлиги ва фарвоилигини таъминлаш, демократик конууларга таянадиган ҳаёт тарзини вужудга кептириш, жамиятдаги ҳар бир инсоннинг энг олий ижтимоий қадрият эканлигини хисобга олиб, унинг юбилияти ва истеъодини изолга чиқариш учун тўлиқ имкониятлар яратиш каби катор вазифалариниң амалда бажарилишини назарда тутади.

Эътиборли жиҳатлардан бири шунда, айни замонда юртимизда яшаётган фуқароларининг коруний манбаатлари, уларнинг ҳуқук ва эркинликлари тўлиқ ҳимоя килиниб, инсон қадри олий қадрият даражасига кўтарилимоқда.

Бугунги кунда Тараккюёт стратегиямизда “инсон қадрини юксалтириш”, “адолат ва корун устуворлиги”, “адолатли ижтимоий сиёсат юргитиши”, “инсон капиталини ривожлантириши” каби гоё ва мақсадларининг кўйилиши ҳам бунинг исботи ҳисобланади. Умуман оғланда хозирги Ўзбекистонда шакллангаётган қадриятлар тизимининг марказида “инсонни улутлаш” каби мухим гояннинг турини ва улубу гояннинг бошқому симизда ҳам кафолатланиб ўз аксини топишини бунинг ҳуқукий-назарий асоси сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувлаги нутқида “Инсон қадри учун” гоясини ҳамда хозирги ислоҳотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига ҷуқур сингидириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг қадр-киммати, шаъни ва гурури бўндан бўён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак, [3] дея таъкидлаши фикримизни яна бир марта тасдиқлади.

Ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда янгиланаётган Конституциямизда куйидаги мухим йўналишларга алоҳида дикқат каратилмоқда, хусусан:

Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-киммати, дахлсиз ҳукуклари ва манбаатлари масаласи;

Иккинчи йўналиш – асосий конунимизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилини мустаҳкамлаш;

Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши масаласи;

Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқукий давлат куриш.[3]

Ҳақиқатдан ҳам “Инсон қадрини улутлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланувчи 2022 йилда амалга оширилаётган барча ислоҳотларининг, қабул қилинган карор ва фармонларининг асосида биринч ишабадга “инсон қадри ва ҳалқ манбаатининг ҳамма нарсадан устунлиги” инобатга олимиомда ва ҳалқимизнинг фалсафий-ҳуқукий тафаккурида ўзининг ёрким инфодасини топмокда.

Хулоса сифатида шунни айтишимиз мумкин, Бош комусимиз янги Ўзбекистонда шакллангаётган қадриятлар тизимининг ҳуқукий асоси ҳисобланади. Чунки Конституциямизнинг асосий гояси – инсоний қадрлаш, унинг манбаатларини ҳимоя килишга қартилган бўлиб унинг ҳуқукий кафилиши. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда давлатимизда инсонпарварлик принципи энг олий қадрият даражасига кўтарилиган десак янтишмаймиз.

Барчамизга маълум, собик тузум даврида давлат манбаатлари барча нарсадан устун кўйилган. Бугунги кунда мустақил давлатимизда инсон қадри, унинг ҳаёти, эркинлиги шаъни, қадр-киммати ва бошқа

дахлсиз хукуклари бир сўз билан айтганда инсон манфаатларига катта эътибор каратилиб, ҳамма нарсадан устун кўйилмоқда.

Президентимиз томонидан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга оширишдаги энг устувор вазифа сифатида “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” [1,7] деган гоянинг илгари сурилиши ҳам буни амалда тасдиқлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мирзиев. “Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятнинг кундузлик қоидаси бўлиши керак”. Тошкент 2018. 7-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тарақкиёт стратегияси тўғрисидаги» фармони. <https://lex.uz/uz/docs-5841063>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувлаги нутки. <https://mjkfark.uz/uz/archives/3299>.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда инсон кадрини улуглаш гояси фалсафий-хукукий жихатдан талқин килинди. Президент фармонлари, карорлари ва фармойишлари хукукий асос сифатида кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: Кадрият, янги кадриятлар тизими, инсон кадрини улуглаш гояси, ҳалқ манфаати, демократик-хукукий давлат, конуи устуворлиги.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье с философско-правовой точки зрения была проанализирована идея прославления человеческого достоинства в Новом Узбекистане. Правовой основой в этом вопросе являются указы, решения и распоряжения Президента.

Ключевые слова: Ценность, новая система ценностей, идея прославления человеческой ценности, общественный интерес, демократически-правовое государство, правовое государство.

RESUME:

In this article, the idea of glorifying human dignity was analyzed from a philosophical and legal point of view in the new Uzbekistan. The decisions, decrees and orders of the President were considered the legal basis.

Keywords: Value, a new system of values, the idea of glorifying human value, public interest, democratic and legal state, legal state.